

**ЖАДИЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ
ТАРИХШУНОСЛИГИ**

Маматкаримов Илёсбек Бахритдин ўғли

Наманган давлат университети, Тарих йўналиши магистранти

mamatkarimovilyisbek@gmail.com

Фақатгина Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина жадидчиликка объектив-холисона баҳо бериш имконияти пайдо бўлди. Бу ўринда тарихчи ва адабиётчи олимларимизнинг хизматлари бекиёсдир. Жадидчилик ҳаракати моҳиятини очиб беришда адабиётчи олимларимиздан У.Долимов, Ш.Ризаев, Ш.Турдиев, Б.Қосимов, С.Қосимов, Д.Алимова, С.Аъзамхўжаев ва бошқаларнинг бир қатор мақола ва рисолалари муҳим ўрин тутади.

Мустақиллик йилларида халқимиз озодлиги, эрки учун курашган ва қатағонга учраган жадидлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, мазкур йўналишдаги илмий изланишларни самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Президентининг тегишли фармойиш ва қарорлари эълон қилинди.

- 2020 йилнинг 8 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сон Фармойиши эълон қилинди;
- Илмий нашрларда жадидчиликнинг келиб чиқиши илдизлари, «Усули савтия» мактабларининг таълим тизими, жадидчилик ҳаракатининг моҳиятини анча кенг ёритиб берилди;
- Жадидчилик мустамлакачиликка қарши қаратилган зиёлилар ҳаракати сифатида талқин этила бошланди;
- Тадқиқотларда жадид адабиёти, хусусан драматургиясининг пайдо бўлиш сабаблари, тарихий-ижтимоий шароит, эскилик ва янгилик ўртасидаги ғоявий курашлар, жадидларнинг маърифатпарварлик ҳаракати босқичлари, янги усул мактабларининг очилиши, тараққийпарварлар асос солган газета ва журналлар, дастлабки пьесалар, жадид театрчилиги тарихи каби масалаларни ёритиб берилди;

Ҳаракатга холис баҳо бериш асносида Туркистон жадидларга ўз ватанини ривожланган мамлакатлар қаторидан фақат билим ва маърифат билангина жой олиши мумкинлигини кўра олган, миллий ватанпарварлар, деб таърифлаш бошланди.

Бир қатор нуфузли анжуманлар ўтказилиб. Янгидан-янги мавзулар бўйича тадқиқотларга кенг йўл очилди. Ҳаракат XX аср бошларида Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатига айланганлигига тўғри баҳо берилди.

Жадидчилик ҳаракати жуда кенг тус олиб, ривожланиб борган ва у миллий истиқлол учун қурашнинг асосий негизларидан бўлган. Ҳаракатнинг йирик намояндадари ижтимоий-сиёсий фаолияти миллий мустақиллик учун қурашнинг ёрқин саҳифаси сифатида эътироф этилди.